

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАВЗУСИДА СЕМИНАР ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ



Қумқўрғон туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабида “Умумтаълим мактабларида тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш, тизимли муаммолар ва уларни бартараф этиш, истиқболдаги режалар” мавзусида семинар ташкил этилди.

Семинарда туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи Рамазон Нармуратов бош Қомусимизда фарзанд тарбияси ва мактаб таълими масалалари юзасидан киритилган қўшимча ва ўзгаришлар, таълим муассасаларида соғлом муҳитни таъминлашда ота-оналар билан ҳамкорликнинг аҳамияти ҳақида такидлаб о'тди.

Бундан ташқари семинарда мактабдан ташқари таълим сифатини оширишдаги устувор вазифалар, ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш ва бу борадаги муаммоларнинг ечимлари, мактабларда ўқувчиларнинг қизиқишлари бўйича тўғараклар ишини самарали ташкил этишга оид долзарб масалалар атрофлича муҳокама этилди.